

Qishloq hayoti

2012 йил Мусмаҳкам оула йулу

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 16-FEVRAL, PAYSHANBA, 21 (7950) - SON


1974-yil 1-yanvardan chiqqan bo'lgan
Baholal kellehligan narxda.

Қорақалпоғистон Республикаси

БОЛАЛАР СПОРТИ

СЎЗИМНИНГ УСТИДАН ЧИҚҚАНИМДАН БАХТИЁРМАН

Президентимиз Ислам Каримов томонидан спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли ўз истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ёш спортчилар сафи тобора кенгаймоқда. Ўтган йили қорақалпоғистонлик спортчилардан 16 нафари қитъа ва жаҳон биринчиликларида муваффақиятли қатнашиб, тўққизта олтин, еттита кумуш, тўққизта бронза – жами 25 медални қўлга киритганини ҳам фахр билан эътироф этиш жоиз.



Қўллаб ёшларимиз 2011 йил давомида турли мамлакатларда бўлиб ўтган Осиё кубоги ва чемпионатлари, жаҳон биринчиликларида муваффақиятли қатнашиб, ушбу медаллар шоданининг қўлга киритилишига муносиб ҳисса қўшди. Жумладан, академик эшак эшиш бўйича Абубакир Узоқбоев, Ерназар Ҳамидуллаев, самбо бўйича Азамат Турданов, оғир атлетика бўйича Шухрат Шомуродов, муай-тай бўйича Жаҳонгир Йўлдошев олтин медалларга сазовор бўлди.

Оролбўйидаги мураккаб иқлим шароитига қарамай, сув спорти соҳасида улкан марралар забт этилмоқда. Оксарой қароргоҳида 10 февраль куни

бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида Юртбошимиз томонидан бу жиҳатга эътибор қаратилиб, Нукус олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиси Абубакир Узоқбоев эришган муваффақиятлар алоҳида қайд этилди.

– Президентимиз бундан икки йил аввал менга орзуимдаги қайиқни совға қилганларида, албатта, чемпион бўлиб, Ўзбекистонимиз байроғини бошим узра баланд кўтараман, деб ният қилган ҳамда ваъда берган эдим, – дейди Абубакир. – Ушбу сўзимнинг устидан чиқиб, 2011 йилнинг июнь ойида Сингапурда, октябрь ойида Жанубий Кореяда бўлиб ўтган мусобақаларда ғолибликка эришдим ва ол-

тин медалларни қўлга киритдим. Спорт туфайли элнинг назарига тушганимдан, Юртбошимизнинг ишончини оқлаганимдан чексиз бахтиёрман.

Нукус шаҳрида спортчилар оиласида дунёга келган Абубакир Узоқбоев сув спорти билан тажрибали мураббий Мурат Мамбетназаров қўл остида 11 ёшдан буён шуғулланиб келади. Лекин у ушбу спорт турининг кўп сир-асрорларини отаси, академик эшак эшиш бўйича катта мураббий Ниётбой Бойлелесовдан ўрганган. Ҳозир Баҳодир Давлатёров мураббийлигида шуғулланётган бўлса-да, отасининг қимматли маслаҳатларига ҳар доим амал қилади.

Абубакир шуғулланаётган мактабдан

Ерназар Ҳамидуллаев, Ойсара Бойлелесова ва Равшан Сапарбоева сингари иқтидорли ёшлар етишиб чиқмоқда. Ўтган йили Сингапурда бўлиб ўтган Осиё кубоги мусобақаларида Ерназар иккита олтин медал соҳиби бўлди, Ойсара ва Равшан эса бронза медалларини қўлга киритди.

Халқаро спорт майдонларида тез-тез ғолиблик шохсўласига кўтарилаётган ёш спортчи Абубакир Узоқбоевнинг орзулари бир олам. У келажақда эшак эшиш бўйича тажрибали мураббий бўлиш мақсадида тинимсиз ўқиб-изланмоқда.

А.ОРТИҚБОВЕВ,
ЎЗА муҳбири.
Арслон КАННАЗАРОВ
(ЎЗА) олган сурат.

САҲИФАЛАРДА:



**АВТОТРАНСПОРТ ИЖАРАСИ
КАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?**

2

МОНУМЕНТДА АКС ЭТГАН ФАЛСАФА



3



**БИЙРОН ТИЛЛАРИНГДАН
АЙЛАНАЙ, БОЛАЖОН!**

4

○ Сўз — конференция иштирокчиларига

Тошкент шаҳрида 16-17 февраль кунлари "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарт" мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур халқаро анжуманда ўнлаб мамлакатлардан юзлаб мутахассислар ва экспертлар иштирок этади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ СОҲАСИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДА

Жай Дев АГАРВАЛ, Ҳиндистон молия институти бошқарувчилар кенгаши раиси (Ҳиндистон):

— "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарт" мавзuidaги халқаро конференция қўллаб соҳалар қатори таълим тизимининг барча йўналишларини тараққий эттириш борасида Ўзбекистон эришган муваффақиятларни ўрганиш, чет эллик соҳа мутахассислари билан фикр ва тажриба алмашиш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгилангани юксак самаралар бераётир. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаёти изчил татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бераётган самараларни ўрганиш ва қўллаш бошқа мамлакатлар учун ҳам улкан имкониятлар эшигини очди.

2010 йили Тошкентда ўтказилган Осиё тараққийёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисида қатнашган эдим. Ўзбекистонда банк-молия тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасида мамлакатингизнинг ташқи иқтисодий муносабатлари тобора мустаҳкамланиб, халқаро майдондаги обрў-эътибори муттасил юксалимоқда. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш стратегиясидан ўрнатилган арзигulik жиҳатлар гоят кўп.

Биз Тошкент молия институти билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келямиз. Мазкур соҳада алоқаларимиз жадал ривожланаётгани бизни гоят қувонтиради. Ўзбекистонлик талабаларнинг турли фанларни ўрганишга катта қизиқиши, ўз истеъдодини амалда юксак даражада намойён этиши бизда доим ҳавас уйғотади. Юксак интеллектуал салоҳиятга эга, интилувчан ва изланувчан, билимга чанқоқ Ўзбекистон ёшлари билан мулоқотда бўлиб, мамлакатингиз келажаги буюк эканига яна бир бор амин бўлдим.

Майкл ЭДЕЛШТЕЙН, Нью-Жерси штатидаги Рамапо коллежи директорининг ўринбосари (АҚШ):

— Мен атроф-муҳит ва экология бўйича мутахассисман. Мамлакатингизга ўтган йили ҳам келиб, Муйноқ туманидаги вазият билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлгандим. Айтиш жоизки, Марказий Осиё давлатлари, айниқса, Ўзбекистон минтақада экологик вазиятни яхшилаш учун ибратли ишларни амалга оширмоқда. Мамлакатингизда Оролбўйи экологиясини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, минтақада соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш йўлида олиб борилган ишлар ўз самарасини бераётганининг гувоҳи бўлдим. Соҳада фаолият юритаётган мутахассисларнинг касб маҳорати ҳам юксак. Буларнинг барчаси, албатта, мамлакатингизда таълим тизимига қаратилаётган улкан эътибор самараларидандир.

Мамлакатингиздаги бир қатор олий таълим муассасаларида бўлиб, талабалар билан суҳбатлашдим. Ўзбекистон ёшларининг шижоати, юксак одоби, билим олишга чанқоқлиги, самимийлиги менда катта ҳавас уйғотди. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларидаги тарихий обидалар, замонавий бинолар ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Мазкур халқаро анжуман кунлари Ўзбекистонда фан-таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар билан янада яқинроқ танишаётганимдан, бой маданиятингиздан баҳраманд бўлаётганимдан хурсандман.

"Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарт" мавзuidaги халқаро конференция Ўзбекистонда юксак самаралар бераётган таълим дастури билан яқиндан танишиш, турли мамлакатлар олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётганидан мамнунман.

Савсан НОВЕИР хоним, Версаль шаҳридаги олий архитектура мактаби профессори (Франция):

— Уч йилдирки, биз Тошкент архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорлик қилиб келаётимиз. Фаол ҳамкорлигимиз натижаси ўларок, бир қатор Ўзбекистонлик ёшлар Францияда таҳсил олмақдалар. Улар қисқа фурсатда Франциянинг олий ўқув юртиларидаги таълим тизими талабаларини ва фанларни осонлик билан ўзлаштирмоқда. Бу уларнинг билим ва интеллектуал даражаси жуда юқори эканидан далолатдир.

Ўзбекистонга илк бор келишим. Бу гўзал заминда ҳукм сураётган осойишта ҳаёт, фаровонлик, тинчлик ва барқарорликка ҳавасим келди. Миллий ва замонавий услубни уйғунлаштирган маҳаббатли бинолар, муҳташам иншоотларни кўриб, халқингизнинг меъморлик санъати ва бунёдкорлик салоҳиятидан лол қолдим.

ЎзА мухбирлари
Мадина УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди.

Қашқадарё Вилояти

«КУМУШ КУЗ ФАЙЗ»НИНГ ҚИШКИ ФАЙЗИ

Яккабоғ туманидаги «Кумуш куз фэйз» агрофирмасида замонавий технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли тухум ва парҳез гўшт етиштиришда муайян ютуқларга эришилмоқда.

■ Хусан ТЕМИРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Корхонага бундан бир йил муқаддам "Қишлоқ қурилиш банк" амалий ёрдами билан Германиянинг "Любинг" фирмаси усқуналари келтириб ўрнатилганди. Натижада 22 иш ўрни яратилди.

— Дастлаб, Самарқанддаги "Оҳалик-Ломан" парранда корхонасидан 25 мингта жўжа олиб келиб парваришлай бошладик. "Ломан SL классик" зотли жўжалар 145 кунда тухумга кирди. Ҳозирда кунига 22 минг дона тухум оляпмиз, — дейди "Кумуш куз фэйз" агрофирмаси раҳбари Наби Ғиёсов. — 2011 йилнинг 15 нояб-ридан 2012 йилнинг 1 январигача бир милли-

он донга яқин тухум ишлаб чиқарилди.

— Биз ушбу агрофирмада ишлаб кам бўлмаямиз, — дейди илгор паррандабоқар Асалхон Темирова. — Соҳида Худойкулова, Махлиё Жуманова каби ҳамкасбларимиз билан астойдил меҳнат қилипмиз. Бунинг учун бизга барча шaroит яратилган.

Агрофирмада бройлер товуқлар ҳам боқилмоқда. 20 мингта гўшт учун парваришланаётган бу товуқлар 35-40 кунда истеъмолчиларга етказиб бериш учун тайёр бўлади. Уларнинг вазни 1,5-3 килограммини ташкил этмоқда. Биргина январь ойида 14 тонна парҳез гўшт эл дастурхонига тортиқ этилди.

— Жорий йилдаги режалар янада юксак, — дейди иш бошқарувчи Холмирза Турумов. — 100 тонна парҳез гўшт ишлаб чиқаришни қўзлаб турибмиз.


Хориждан 30 минг товуққа мўлжалланган усқуналар келтирмоқчимиз. 400 минг дона тухум, 40 тонна гўшт сақлашга мўлжалланган совитчиклар олмақчимиз. Тovuқ гўнгида биозга ҳамда биоозуққа тайёрлашни ҳам йўлга қўйиб, бир кунда 220 кубометр биозга ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз. Жамoa эhtiбжи учун кунига 50 кубометр биозга талаб қилинса, қолган 170 кубометри Янгиқўрғон қишлоғи аҳолиси фаровонлиги учун ишлатилади. Бундан ташқари, йилига 2,5 минг тоннадан кўпроқ биоўғит ишлаб чиқарилиб, фермер хўжаликларига имтиёзли баҳода сотилади.

2012 йилнинг учинчи чорагидан эътиборан агрофирмада ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар хорижлик ҳамкорларга ҳам етказиб берилиши мўлжалланмоқда.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

▼ СУРАГАН ЭДИНГИЗ...

АВТОТРАНСПОРТ ИЖАРАСИ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?



Автотранспорт воситалари ижараси тўғрисида билмоқчи эдим. Бу ҳолатда шартномалор тузиш қандай тартибда амалга оширилади?

Тўхтасин ВАЛИЕВ

Пахтачи тумани

нотариус томонидан ижарага беришга розилик аризаси олинмиши лозим. Юридик шахслар бўлган тақдирда мулкдордан ижарага беришга розилик олиш қўзда тутилади.

Автомобилотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаларини расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги қарори билан "Давлат божи" ставка-

якуний қисмида ва тасдиқловчи ёзувда "Ушбу шартнома ИИВнинг тегишли ДЙХХХ органларида ўн кун ичида бел-



гиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши шарт. Мазкур талабни бажармаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади", деб ёзиб қўйилиши лозим.

Ижара шартномасига тарафларнинг ихтиёрига қўра шартномада қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Гербли (маҳсус) бланкадаги автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда (энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридан) герб йиғими ундирилади.

Автомобилотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаларини расмийлаштиришда автомобилотранспорт воситаси эр-хотиннинг биргаликдаги мулки бўлган тақдирда

ларига асосан юқорида қайд этилган нотариал ҳаракат учун шартнома суммасининг 1 фоизи миқдоридан, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридан давлат божи ундирилиши керак.

Агарда, юртимизда ёки чет мамлакатда ишлаб чиқарилган энгил автомашинадан фойдаланиш мuddати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмайди диган энгил автомашиналарни ижарага бериш шартномаларини тасдиқлаган тақдирда давлат божи ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридан ундирилиши қўзда тутилган.

Фахриддин МУСТАЕВ,
Самарқанд шаҳри 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси.

Жиззах Вилояти

БОҒБОНЛИК БОҒБОН ОТА

Мирзачўл тумани
Боғбон қишлоғидаги
Амоновлар хонадони
байрам шодиёналари-
да қаҳ-қаҳ ва қийқи-
риқларга тўлиб кета-
ди. Бундай пайтда
ҳамқишлоқлар “Абду-
рахмон аканинг ўғил-
қизларию неваралари
йиғилишибди-да”,
дейишади. Бизнинг бу
катта оилага ташри-
фимиз худди шундай
“жамоат жам” пайтга
тўғри келибди.



Дарвозадан кираверишда кўксиди
“Шухрат” медали порлаб турган Абдурах-
мон аканинг ўзи пешвоз чиқди ва табиа-
тидаги доимий ҳушчақчақлик билан деди:
— Марҳамат, хуш келибсиз! Футбол ко-
мандамизда бир киши етишмай, ўнг қанот
ҳужумчилиги Ойтош опангизни илтимос
қилиб тургандим.

Шундай деб ҳазил-хузул билан хона-
дон соҳиб ичкарига бошлади. Ойтош
опага юзланиб, бояги ҳазилини давом эт-
тирди:

— Э-э, хотинжон, икки ўғилга қолган-
да, дангасалик қилдинг. Тўққиз ўғил би-
лан команда бут бўлмайдими.

Ойтош опа ҳам ҳазилкашлиқда эри-
дан қолишмайди: “Ана, ерга урсангиз,
кўкка салчийдиган қизимиз Малика ҳам
ўғил болалардан кам эмас, коллежда
спортчи қизларнинг олди. Ёнларингизга
кенжамиз Мухлисани ҳам олинг, ҳали бо-
чага қатнаса-да, анча эпчил”.

— Хў-ў-ў, ойиси, нима десангиз —
шу! Қани, барчаларини дастурхон атро-
фига чақиринг-чи...

Абдурахмон аканинг бу йўқловидан ке-
йин фарзандлари бирин-кетин хонтахта ат-
рофидан ўрин ола бошлашади. Аввал
тўнғичлари — Алишер билан Анвар, улар
ортдан Акбар ва Алимардонлар, сўнг Ота-
бек, Улугбек, Авазбек, Ойбек, Достонлар
ота-оналари каби сертакаллуф ва мулоза-
мат билан кириб келишди. Ота-она баг-

рини тўлдириб турган бу азаматларга бо-
қиб, кўнглимда ажиб ҳавас ва ифтихор туй-
дим. Барчаси келишган, забардаст йигит-
лар. Алишер билан Ойбек оталари раҳ-
барлик қилаётган “Амонова Малика” фер-
мер хўжалиғида ишчи, Анвар, Достон ва
Алимардонларнинг эса ўз фермер хўжа-
ликлари бор. Уларга акаси Акбаржон ра-
фиқаси Ферузаой билан тез-тез ёрдамга
келиб туришади. Туман тиббиёт бирлаш-
маси ҳуқуқшуноси Отабек билан молия
бўлими ҳисобчиси Авазбек ҳам ишдан бўш
вақтлари бўлди, дегунча ё отасининг, ё
акаларининг фермер хўжалиғи даласига
чопишади. Фермер хўжалиғида лафз
қилинган шартнома режаси баҳарилмай
қолмасин, дейишади-да!

Тўққиз ўғил ва икки қиз ўстириб, улар-
ни жамиятга фойдали, эл ишига эш ин-
сонлар қилиб тарбиялаётган Ойтош ва
Абдурахмон Амоновлар нафақат Боғбон
қишлоғи, балки туманининг ибратли оила-
ларидан. Қишлоқни ободонлаштириш,
туман умумхалқ ҳашарлари ва бошқа тад-
бирларда бу оила аъзолари ҳамиша та-
шаббускор, меҳнат жабҳаларининг энг
олдида бўлишади. Масалан, бултурги
кўчат ўтказиш ва ободонлаштириш ойи-
гида улар туман қишлоқ ва маҳалла йи-
ғинларига 2,5 минг туп атрофда турли
хил мева ва манзарали дарахт ҳамда
гул кўчатлари етказиб беришди.

Бундан 10 йилча аввал қишлоқдаги 40

гектарлик ҳар йили мўл ҳосил бериб, ту-
ман тадбирлари, қишлоқ аҳолисининг тўй-
маърака дастурхонларини мева-чевалар
билан безаб турган боғ бирданига қуриб,
деярли ҳосил бермай қўйди. Туман раҳ-
барлари ва қишлоқ боғбонлари бу ҳол-
нинг сабабларини обдон таҳлил қилишиб,
боғ дренажлари ишламаслиги натижаси-
да шўр кўтарилганини, энди боғни боғ-
тунлай бузиб ташлаб, янгилаш лозимли-
гини аниқлашди. Бу ишни тажрибали боғ-
бон Абдурахмон Амоновга топширишди.

— Ушанда боғ ичини дренаж қувурлар-
ригача қовлатиб кўрсам, уларнинг ўр-
п жойлари бир-бирига уланмаган, баъзи
қаторлар тағида умуман қувурлар йўқ
эди,— дейди Абдурахмон ака. — Аввали-
га муваққат зовурлар қазиб, тупроқни
кептирдик. Сўнг дарахтларни таг-туғи би-
лан олиб ташлаб, серҳосил янги нав
кўчатлар ўтказдик. Мана, тўрт йилдирки,
боғимиз яна серҳосил боққа айланиб, ях-
шигина даромад келтираётир. Бу йилдан
бошлаб дренажларни янгиллаш бошлай-
миз. Ойтошой иккаламиз беш ўғилни уй-
лантириб, 18 нафар неварани суюб ўти-
рибмиз. Хуллас, бахтиёр оила бошлиғи-
ман. Бу гапларимни ҳамиша, ҳар жойда
баралла фахру гурур билан айтаман. Фар-
зандларим ҳам ана шу ифтихор билан
яшашади.

Келдиёр ЖҲҲУЛОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Навоий Вилояти

Бугунги кунда
мамлакатимизда
ҳарбий соҳада
ишлаётган қўлаб
фидойи аёлларни
учратиш мумкин.
Юрт тинчлиги,
фаровонлиги оила-
дан бошланади.
Фарзандлари
баркамол, маъна-
вий дунёси бой
оилалар, албатта,
мустаҳкам бўлади.
Биз ҳикоя қилмоқ-
чи бўлган оиланинг
пойдевори мустаҳ-
кам, унинг лобар
бекаси эса нафақат
оила, балки ватанга
садоқат билан
хизмат қилаётган
ҳарбий.

ҲАРБӢЙЛАР ОИЛАСИ

Вилоятдаги қоровул
қўшинлари ҳарбий қисми-
нинг алоқа бўлимида анча
йиллардан буйн иш юри-
тувчи бўлиб хизмат қила-
ётган Дилбар опа Худой-
бердиева билан суҳбатлаш-
гач, у бекалик қилаётган
хонадон эгалари ватанпар-
варлар сулоласи десак,
асло хато бўлмас экан, дея
ўйладик.

— Бизнинг оиламиз чин
маънода ҳарбийлар оила-
си,— дейди майингизга
жилмайиб Дилбар опа. —
Чунки қайнота, қайнонам,
турмуш ўртоғим, қайним ва
овсиним ҳам шу соҳа ва-
киллари. Уларга жуда ҳавас
қилганлигим туфайли мен
ҳам ҳарбий бўлиб, ватанга
сидқидилдан хизмат қи-
лишни ният қилдим. Оила-
да ҳам, ишда ҳам бир-би-
римизга таянч, мададкор
бўлдик. Ҳозирда турмуш
ўртоғим нафақада бўлса-
да, доимо мендан ўз ёрда-
мини аямайди.

Тошкент умумқўшин
олий ҳарбий ўқув юртини
тугатгандан сўнг, шараф-
ли касбни танлаб, юрт ра-
нақи йўлида камарбаста
бўлган Исмат ака оилада
ҳам тартиб-интизом бўли-
шига, тўрт нафар фарзан-
дини халқимизга муносиб
инсонлар бўлиб етишиш-
ларига шароит яратиб бер-
моқда.

— Қизим Нодира, ўғлим
Санжар ҳам ҳарбийлик со-
ҳасини танлади,— деди
суҳбатимизга қўшилиб Ис-
мат ака. — Санжар ҳозирда
Қўқон шаҳрида хизмат қи-
лмоқда. Фарзандларим қал-
бида ватанга садоқат, шу
азиз тупроғимизга бўлган
меҳрини кўриб, қўшим қув-
онади.

Ҳаётни севиб, ардоқлаб
яшасанг умринг мазмунли,
турмушинг чиройли бўла-
ди. Бу ахил оила ватанини
севиб, унга қалб кўрини ба-
ғишлаб, қомил фарзандлар
тарбияламоқда.

Маърифат
ШАРИПОВА

Монументда акс этган фалсафа



Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида
Бухоро шаҳрида бунёд этилган “Кўҳна ва бо-
қий Бухоро” монументида ўзига хос меъмор-
чилик анъаналари ва замонавий архитектура
андозалари уйғунлашган.

Обида тепасига ўрнатилган баландлиги 5
метр, вазни 32 тоннадан иборат, айланиб ту-
рувчи улкан Ер шар узоқ-узоқлардан кўзга
ташланади. Унда Ўзбекистонимиз харитаси
тасвирланган. Мамлакатимиз мустақилликка
эришгач, дунё билан юзлашди, жаҳон ҳам-
жамиятида ўз ўрнини эгаллади, деган теран
маъно ифодаланган.

Кутлуг Бухоро заминидан Абу Али ибн Сино,
Наршахий, Имом Бухорий, Абдуллоҳиқ Ғи-
ждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ориф Рев-
ғарий каби буюк мутафаккирлар, қўлаб ада-
биёт ва санъат намояндалари етишиб чиққан.
Уларнинг номлари обидада зарҳал харфлар
билан нақшланган. Бу ерда илм ўрганиш ҳар
бир инсон учун фарз эканини, дил Аллоҳда,
қўл меҳнатда бўлиши лозимлиги ўзбек, араб
ва инглиз тилларида зикр этилган.

Монумент марказида уч авлод — бахтиёр
ёш оила — ота, она ва бола, ниҳол ўтказай-
ган боёбо ва набира ҳамда уй қураётган ота
ва ўғилнинг барелефли ҳайкаллари акс этти-
рилган. Бунда ҳаёт абадий, умр ўткинчи, ин-
соннинг эзгу амаллари мангу қолади, бу ду-
нёда инсон эзгу ишлар қилмоғи лозим, фар-
зандлари келажagini, эл-юртининг эртасини
ўйламоғи даркор, деган чуқур фалсафа бор.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.



ОНАЛИК БАХТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Фарзанд — ҳар бир ота-онанинг қувончи, фахри ва бахти. Оналарда болага меҳр ва муҳаббат туйғуси фарзанди қорнидалигидайёқ пайдо бўлади. Чунки бола пайдо бўлганидан туғилгунга қадар у онаси ҳисобига озиқланади, ривожланади. Она ўз жонидан жон, ўз танидан тан ато этади.

Бўлажак оналар ўзларига ниҳоятда эътиборли бўлишлари керак. Туғилган чақалоқ ҳам тўғри парваришга муҳтож. Бундай ҳаяжонли дамларда оналарга мутахассис маслаҳати жуда зарур.

Ҳомиладор ва ёш оналарга керакли тавсиялар олиш мақсадида Тошкент шаҳар 27- сонли Олавий поликлиника болалар шифокори, невропатолог Нодира РОЗИҚОВА билан суҳбатлашдик.

ва парвариш талаб этилади. Бола яшайдиган хона озода, қуруқ ва ёруғ, хона ҳавосининг ҳарорати 20-25 °C бўлиши керак. Ўзига чанг йиғувчи мебель ва буюмлар бошқа хонага олиб чиқилмаса, болага аллергия таъсир кўрсатиши мумкин. Хонани тез-тез 10-15 дақиқа давомида шамоллатиш мақсадга мувофиқ.

Чақалоқ организми физиологик жиҳатдан ҳали тўлиқ ривожланмагани, ҳазм қилиш ва моддалар алмашинуви яхши такомиллашмагани учун фақат она сuti билан озиқланиши керак. Она сutiда 100 дан ортиқ зарур моддалар бўлиб, у бола эҳтиёжини фақат миқдор жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам қондиради, унинг ёшига, соғлигига мос келади. Она сutiдаги оксил, ёғ, углеводлар энгил ҳазм бўлади. Ҳозир айрим ёш оналар коматларини сақлаш учун қўқрак сuti бермасдан, сuti аралашмалар беришни одат қилиб олишган. Аралаш овқатларини она сuti етишмаслик ҳолатларидега бериш лозим. Чунки она сuti таркибидега етарли миқдорда тўйинмаган ёғ кислоталари ҳам борки, улар сигир сuti ёки аралашмаларда жуда кам миқдорда бўлади. Бу ёғ кислоталари боланинг баркамол ўсишида, бош миясининг ривожланишида, қўриш организмнинг шаклланишида, қон томирларининг мустаҳкамлигини сақлашда фаол қатнашади.

Болаларда айрим ҳолларда лактоза ферментининг етишмаслиги билан ифодаланган касаллик бўлади. Она сutiга тўймаган, сигир сuti ёки

аралашма билан озиқланган болаларда бу касаллик кўпроқ учрайди. Бу ҳолатда бола кўп безовталанади, ичи бузилади. Касаллик бошланишида болани қайта она сutiга ўтказишнинг иложи топилса, бу — яхши. Акс ҳолда, болага махсус тайёрланган (лактозасиз) аралашмалар берилади.

Она сutiдаги темир моддасининг аҳамияти ниҳоятда катта. Темирнинг ўзлаштирилиши она сutiда, одатда, 70% ни ташкил этса, сигир сutiда 30%, аралашмаларда эса 10% ни ташкил этади. Олимларнинг фикрича, 6-8 ойга қадар фақат она сuti бериладиган болаларда темир етишмаслигидан келиб чиқувчи камқонлик касаллиги кам учрайди.

Бола ва она учун алоҳида дори қутчасидан фойдаланилса яхши. Унда асосан клизма баллончаси, грелка, стерилланган пахта, бинт, вазелин, томизгич, дезинфекцияловчи моддалар (2%ли борат кислота ва калий перманганат — марганцовканинг кучсиз эритмаси), йод, яшил зелёнка ва бошқалар бўлиши керак.

Чақалоқ кийимини алоҳида болалар совуни билан ювиш шарт. Кир ювувчи синтетик порошок ва пасталардан фойдаланиб бўлмайди. Чунки уларнинг чайилгандан кейин ҳам қоладиган зарарли моддалари бола организмга аллергия таъсир этади. Кийимлар қуригандан кейин икки томонидан дазмоллаш керак.

Чақалоқни йилнинг ҳар қандай фаслида ҳам кунига 2-3 маҳал сайр қилдириш керак. Тоza ҳавода бола орга-

низми тўғри ривожланади, чиниқади, иштаҳаси очилади, яхши ухлайди. Тери ва ўпкаси мустаҳкамланиб, касалликларга чалинмайди. Мусаффо ҳаво ва қуёш нури раҳитнинг олдини олувчи энг муҳим омилдир. Агар бола ёзда туғилган бўлса, туғуруқхонадан чиққан кунидан кейин сайр қилдириш мумкин. Қишда туғилган болани эса 2 ҳафтадан кейин очик ҳавога олиб чиқса бўлади. Биринчи сайр вақти 10 дақиқадан ошмаслиги керак. Кейинчалик об-ҳавога қараб бу муддат ошириб борилади. Қишда 40 дақиқадан ортиқ сайр қилдириш мумкин эмас.

Чақалоқ ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ чиниқтириб борилади. Йўраклашга шўшмай, 1-2 дақиқа яланғоч ётқизиб қўйилса, бола ҳаво ва насини қабул қилади. Шунда унинг организми яхши ривожланади.

Чақалоқларнинг умумий аҳоли ўзгарса, озиб ёки семириб кетса, шифокорга кўрсатиб, маслаҳатлашилади. Бола асосан: таги ҳўл, ичи дам бўлганда, ичи қотганда, ўрта қулоқ яллиғланганда қаттиқ безовталанади. Бунда, албатта, ёрдам кўрсатилиши зарур. Чақалоқ касалга чалинганда уй шароитида билиб-билмай қилинган муолажалар боланинг аҳолини янада оғирлаштиради. Мутахассис билан маслаҳатлашмай, фарзандингиз ҳаётини ҳаф остига қўймаган. Агар белгиланган вақтда болалар оилавий поликлиникага олиб чиқилиб, қўриқдан ўтказиб турилса, касалликларнинг олди олинади.

Болаларни эмлатиш кунлари ҳақида ҳаммаиз оғохлантириламиз. Шифокор маслаҳат қилиб, қўйиқтал, қўйиқтал, «В» гепатит, сил каби юқумли касалликлардан ҳимоя қилади ва ногиронликдан сақлаб қолади. Профилактик эмлашлар она ва болалар касалликларини ҳамда ўлимнинг кескин камайишига ёрдам беради.

Фарзандингизга ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам болангизнинг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишида муҳим омилдир.

Нилуфар САПАЕВА
суҳбатлашди.

— Ҳомиладорлик бўлажак она учун жуда муҳим ва масъулиятли давр ҳисобланади. Аёллар ҳомиладорлигининг 10-12 ҳафтасидаёқ шифокор қўригидан ўтиб, поликлиникада рўйхатда туриши шарт. Аммо айрим аёллар бунга беварф қараб, бола 4-5 ойлик бўлганида ҳам шифокорга мурожаат этишмайди. Таҳлиллар ўз вақтида топширилмаса, бола ривожланишга кузатиб бориlmаса, бу ҳолат кейинчалик онага ҳам, шифокорга ҳам қийинчилик туғдиради.

Ҳомиланинг табиий ўсиши ва туғуруқнинг меъёрида кечинишнинг асосий шартларида бири — тўғри овқатланишдир. Чунки ҳомиладорлигининг дастлабки вақтларида организмда моддалар алмашинуви, гормонли, ионли ўзгаришлар юз беради. Бола организм яхши ривожланиши учун зарур озуқалар талаб қилинади. Янги, яхши тайёрланган, тўйимли ва ширин таомлар организмни доимо керакли моддалар билан таъминлаб туради.

Бўлажак она икки киши — ўзи ва бўлгуси боласи учун овқатланиши керак. Лекин овқатни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ҳам ярамайди. Агар шўр ва ачиқ нарсаларга эҳтиёж сезилса, камроқ миқдорда ейиш мумкин. Аммо ҳомиладорлигининг биринчи ойида ачиқ ва сирка қўшил-

ган нарсалардан, турли дори-ларни истеъмол қилишдан тийилиш лозим. Ҳомиладорлигининг иккинчи ярмида турли дудланган ва консервланган маҳсулотларни емаслик керак. Уларга асосан, сабзавот, мева, сutiли маҳсулотлар тавсия этилади.

Ҳомиладор аёл чиройли нарсаларга кўпроқ қараш, кўнгли чоғ бўлиши, табиатнинг гўзал манзараларидан завқ олиши керак. Атрофдагилар ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, унга хушмуомалалик билан муносабатда бўлсалар, ҳомила меъёрида ривожланиб, соғлом бола туғилади.

Чақалоқ «инга»си эшитилиб, бола дунёга келган, оналарда масъулият ҳисси икки баробар ошади. Туғуруқдан кейинги дастлабки 5-8 кун аёл шифохонада бўлади. Агар туғуруқ жараёни кўнгилдагидек ўтган бўлса, аёлнинг соғлиги ҳам яхши бўлади, ҳеч қандай муолажа талаб қилинмайди. Аммо кўзи ёриган аёлга алоҳида парвариш керак. Туғуруқдан кейинги олти ҳафта чилла даври, деб беворга айтилмайди. Чилла даврининг меъёрида кечини жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бир ёшга тўлгунча авайлаб парваришланган чақалоқнинг кейинчалик касал бўлиш эҳтимоли камаяди. Бу даврда онадан жуда катта меҳнат, кунт

Мутахассисларнинг таъкидлашича, соғлом ўсаётган бола 4 ёшда ўз она тили бўйича маълум кўникмага эга бўлар экан. Айни шу ёшдан бола тил ўрганиши мумкин. Бунда у моҳиятини биладиган, ўзлаштири оладиган содда ва раво сўзаларни ўргатиш мақсадга мувофиқ. Мисол учун «салом», «хайр»,

«ойи», «дада». Бундан ташқари, чет тилини ўрганишининг бир қатор фойдалар жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Энг аввало, боланинг диққат-эътибори ошади, фикрлаши тезлашади, идроки кенгайди, ақлий қобилияти ривожланади. Боллада маълум бир ҳудуднинг тарихи, маданияти, урф-одатларини билишига иштиёқ уйғонади. Айнан шу ёшда қўйилган пойдевор ниҳоятда мустаҳкам бўладики, бу мактаб ва олий ўқув юртидаги таълим жараёнлари учун асос вазифасини ўтайди.

Албатта, инсон, энг аввало, ўз она

тилини мукамал билмоғи лозим. Бошқа тилларни ўрганса, она тилининг қадрини янада яхши билади. Тил билиш инсонга бир қанча имкониятлар эшигини очади. Донишмандлардан бири айтган экан, кўп тил билиш бир қулфнинг бир неча қалитига эга бўлишдек гап. Демакки, бийрон сўзлаётган боланинг қизқишига қарши бормаймиз, унга тафаккур қалитларини тутқазамиз — она тилини ва бошқа тилларни ўрганишга қўллашамиз.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА

Бийрон тилларингдан айланай, болажон!

Ўғлим беш ёшда. Тили бийрон. Ҳамма нарсаси қизиқади. Бир кунини ТВда инглиз тилида эфирга узатилаётган анимационли берилиб томоша қилди. Дастур тутагач, сўради: «Ойижон, мен ҳам инглиз тилини ўргансам бўладими?».

Унинг бу саволи менда ҳам савол туғдирди. Ҳақиқатан ҳам, бола неча ёшдан тил ўрганиши мумкин? Ахир, аксариятимизда тил ўрганишни эрта бошлаш боланинг жисмоний чарчашига, ортиқча куч сарфлашига сабаб бўлмасмикин, деган хавотир йўқ эмас-да.



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти, Навоий шаҳар ҳокимининг 2011 йил 13 сентябрдаги 643/09-Қ-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга такоран қўйилмоқда:

1. Қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиги 2-зона ҳудудда жойлашган, 1 дона 2400 кв.м. 5-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 710 226 сўм.

2. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиги 2-зона ҳудудда жойлашган, 2 дона ҳар бири 2400 кв.м.дан (9 ва 12-сонли) ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Хар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 368 180 сўм.

3. Босмахона биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиги 2-зона ҳудудда жойлашган, 1 дона 2400 кв.м. 11-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 368 180 сўм.

4. Енгил металл конструкциялар ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиги 2-зона ҳудудда жойлашган, 1 дона 2400 кв.м. 25-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 368 180 сўм.

*** Навоий шаҳар ҳокимининг 2011 йил 21 сентябрдаги 682/09-Қ-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга такоран қўйилмоқда:**

5. Полиэтилен халталар ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиги 2-зона ҳудудда жойлашган, 1 дона 2400 кв.м. 19-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 370 400 сўм.

6. Гипс ва ганч ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиги 2-зона ҳудудда жойлаш-

ган 1 дона 2400 кв.м. 22-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 370 400 сўм.

7. Қурилиш моллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиги 2-зона ҳудудда жойлашган, 1 дона 2400 кв.м. 34-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 370 400 сўм.

8. Шлакоблок ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиги 2-зона ҳудудда жойлашган, 1 дона 3000 кв.м. 36-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 710 000 сўм.

9. Спорт моллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, "Навоийазот" ОАЖ ва "ГМЗ-1" корхоналари оралиги 2-зона ҳудудда жойлашган, 1 дона 3000 кв.м. 38-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 710 000 сўм.

10. Буюм маҳсулотлари сотиш дўкони биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, Истиклол МФЙ, 10-мактаб ён томонидан 1-зона ҳудудда жойлашган, 1 дона 51,05 кв.м. 3-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 32 111 сўм.

11. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, саноат зонаси 2-зона ҳудудда жойлашган, 1 дона 7000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 3 990 000 сўм.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти, Навоий шаҳар ҳокимининг 2011 йил 22 августдаги 0131/636-сонли хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такоран танловга қўйилмоқда:

12. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, Спутник кўргони 2-зонаси ҳудудда 1 дона 2000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 140 000 сўм.

13. Товуқхона биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, Спутник кўргони 2-зонаси ҳудудда 1 дона 5000 кв.м. 18-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 850 000 сўм.

14. Товуқхона биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, Спутник кўргони 2-зонаси ҳудудда 1 дона 5000 кв.м. 19-сонли ер

участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 850 000 сўм.

15. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун, "Навоийазот" ОАЖ ва ГМЗ-1 корхоналари оралиги Навоий шаҳар, 2-зонаси ҳудудда 1 дона 3000 кв.м. 2-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 710 000 сўм.

16. Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун, Навоий шаҳар санитар химия зонаси ГМЗ-1 корхонаси орқа томони 2 зонаси ҳудудда 1 дона 10000 кв.м. 2-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 4 857 336 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Навоий шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2012 йил декабрь ойигача бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 16 март куни соат 18.00 да тўхта-тилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун бюртманомана берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закатли закатал келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 19 март куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 19 март куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 19 мартдаги танловда сотилганга тақдирда, унинг тақдирини танлов савдоси 2012 йилнинг 4 ва 20 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Тақдирини танловда иштирок этиш учун талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 4 апрелдаги танлов савдоси учун 2012 йил 3 апрелда, 2012 йил 20 апрелдаги танлов савдоси учун 2012 йил 19 апрель куни соат 18.00 да тўхтайтилади.

Тақдирини танлов қатнашчиларининг тақлифлари қайд этилган конвертлар

Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 2 апрель ва 20 апрель куни соат 11.00 да очилади, 2012 йил 2 ва 20 апрель куни соат 16.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртманомана билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатида ўтказилганлик тўғрисидаги ғувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатида ўтказилганлик тўғрисидаги ғувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закатал тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабгорига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Танлов ташкилотчиси - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Навоий филиали.

Танлов ташкилотчисининг манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилоят Давлат мулкчини бошқариш бошқармаси биноси. Телефон/факс: (8-436) 224-15-61, 224-44-01, **электрон почта:** rieltasvdo@inbox.uz. **Лицензия:** RR-0001.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закатал пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТ "Ипотекабанк" Навоий филиалидаги ҳисоб рақами: 20200800504920609007, МФО 00205, СТИР 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй.

Мурожаат учун телефон: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.

Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз:

(+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltasvdo@inbox.uz

